

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан
2024 йилнинг 9 ойида амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Дастур доирасида (ПҚ-299) 2 та шаҳар ва **35 та** шаҳарчаларнинг бош режалари ҳамда **94 та** қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемалари ишлаб чиқилиб, **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди ва тегишли қарорлар билан тасдиқланди.**

2. Қурилиш соҳасига оид 105 та техник-норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди (ШНК – 71 та, стандарт – 31 та ва 3 та қурилиш регламенти).

3. Намунавий лойиҳалар (12 типдаги мактаб, 4 типдаги мактабгача таълим ташкилоти, 2 типдаги қишлоқ оилавий поликлиника, 2 типдаги маҳалла маркази ва 6 типдаги кўп қаватли уйлар) энергия тежамкор технологиялар, материаллар ва лойиҳа ечимларидан самарали фойдаланган ҳолда, қайта ишлаб чиқилди.

4. “Шаффоф қурилиш” тизими орқали 12 034 та объект лойиҳасини экспертизадан ўтказилди. Натижада 4,9 трлн. сўм маблағ лойиҳаларнинг смета қисмидан иқтисод қилинди.

5. “Шаффоф қурилиш” тизимининг tender.mc.uz электрон платформаси орқали 8825 та объект бўйича лойиҳа ва пудрат ташкилотларини аниқлаш онлайн электрон тендер савдолари ўтказилди. Натижада 444,8 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинди.

6. Давлат назоратини амалга оширишда 31 863 та объект назоратга олинди ва 221 мингдан зиёд мониторинг ўтказилди. Қурилиш нормаларини бузган мутасадди ташкилотларга 133 мингта ортиқ ёзма кўрсатмалар ва 7 828 та таъсирчан чоралар кўрилди.

7. Пудрат ишлари ҳажми 167,1 трлн. сўмни (2024 йил январь-сентябрь) ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 9,1 фоизга ўсди.

8. Соҳа бўйича 5 турдаги фаолиятни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларига 537 та лицензия ва 19 та аккредитация гувоҳномалари берилди.

9. Жорий йилда 100 мингта хонадонли кўп квартирали уй-жойлар қурилиши бўйича мақсадли кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Республикада жами **2,5 минг гектар** ҳудудда **53 та “Янги Ўзбекистон” массивлари** ташкил этилди. Янги ташкил этилган массивларнинг бош режа ва қурилиш лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида ушбу массивларда **9,4 минг** хонадонли **256 та** уй-жойлар фойдаланишга топширилиши таъминланди.

Республика жами бўйича **35,5 мингта** хонадонли **793 та** кўп квартирали уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, **1 353 та** кўп квартирали уйларда қурилиш ишлари давом этмокда.

10. Иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан **727 минг** хонадонли **16 мингта** кўп қаватли уйлар ва **2 857 та** ижтимоий объектларга **5,08 млн. Гкал** иссиқлик энергияси етказиб берилди.

Худудлардаги **4 188 та** ижтимоийт соҳа объектларида **локал иситиш тизимлари** кўмир ёқилғисига ўтказилди (боғча – 1 675 та, мактаб – 1 913 та, шифохона – 600 та).

Манзилли дастур (ПҚ-404) доирасида **14 та иссиқлик таъминоти объекти** бўйича **208,8 млрд.сўм** ҳамда Инвестиция дастури доирасида **75,9 млн. доллар хорижий кредитлар** (давлат кафолати остидаги) **маблағлари ўзлаштирилди.**

11. Манзилли дастур доирасида **5 142 та** кўп квартирали уйларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилиб, **389 та** таъмирталаб лифт ускуналари янгиланди.

12. Республикасизда жорий йилда **ичимлик суви ва оқова сув тизимини ривожлантириш** учун **2024 йилда** давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **384 та** ичимлик ва оқова сув объектларида **1 502,9 км** ичимлик ва **282,4 км** оқова сув тармоқлари, **233 та** ичимлик ва **42 та** оқова сув иншоотларида қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун **1,6 трлн.сўм** маблағ ажратилган.

2024 йил 1 сентябрь ҳолатига **900,2 млрд.сўм (56 фоиз)** маблағ молиялаштирилди ва **1 101,2 млрд.сўм (68 фоиз)** маблағ ўзлаштирилди.

Ушбу маблағлар ҳисобидан **1 200,8 км** ичимлик (**80 фоиз**), **184,2 км** оқова сув (**65 фоиз**) тармоқлари ва **95 та** ичимлик (**41 фоиз**), **15 та** оқова сув (**36 фоиз**) иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди.